

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ЗУННУНОВА ХУЛКАР МУХТОРОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Зуннунова Хулкар Мухторовна

Тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаш амалиётини
такомиллаштириш.....

Зуннунова Хулкар Мухторовна

Совершенствование практики оценки рыночной стоимости
коммерческих
банков.....

Zunnunova Khulkar Mukhtorovna

Improving the practice of valuation market value of commercial
banks.....

Эълон қилинган ишлар

рўйхати.....

Список опубликованных
работ.....

List of published works

.....

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ЗУННУНОВА ХУЛҚАР МУХТОРОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Iqt1108 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холмахмадов Замир Абдурахмонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Алимардонов Илхом Музрабшохович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каюмов Равшан Исмаилович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий
тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К.Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда банклараро рақобатнинг ривожланиши, давлат мулкчилигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг кучайиши, паст даражадаги фоиз ставкалари ва эркин пул оқимларининг мавжудлиги натижасида турли молия-кредит институтларини хусусийлаштириш ҳамда йирик банклар томонидан сотиб олиниши ва IT компаниялари билан қўшилиши сингари жараёнлар жадаллашди. Жумладан, «Жаҳон M&A (кўшилиш ва сотиб олиш) бозорида жами битимлар қиймати 2021 йилнинг 21 декабрь ҳолатига 5,7 трлн.АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 66%га ўсган. Жами амалга оширилган битимлар сони 59,748 мингта бўлиб, 2020 йилга нисбатан 22%га ортган»¹. Бу битимларнинг 15%дан ортиғи молия-кредит соҳасига тегишли бўлиб, бу жараёнларни амалга оширишда бизнесни бозор қийматида баҳолаш бозор муносабатларининг муҳим шарти ҳисобланади.

Жаҳонда тижорат банкларининг бозор қиймати асосида банкларни хусусийлаштиришни жадаллаштириш, корпоратив бошқарув самарадорлигига баҳо бериш, банк фаолияти натижаларини баҳолаш амалиёти жадаллашмоқда. Бундан ташқари, инвесторлар - ўз инвестиция самарадорлиги, активлари қийматининг ўзгариши ва унга таъсир қилган омилларни комплекс таҳлил қилган ҳолда вазиятга баҳо бериши ҳамда тегишли ҳисоботлар асосида хулоса чиқаришлари учун ташқи баҳоловчилар хизматларидан фойдаланилмоқда. Бундай амалиёт кўламнинг кенгайиши ривожланган мамлакатларда инвесторлар синфининг шаклланиши ва баҳолаш фаолиятининг назарий-амалий жиҳатлари такомиллаштирилишини тақозо этаётгани сабабли миллий давлат дастурлари самарадорлигини ошириш, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, баҳолаш фаолияти компонентларини бойитиш, тижорат банкларини бозор қийматида баҳолаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларига устуворлик берилмоқда.

Ўзбекистон банк тизими ҳозирги замон талабларига жавоб бериши учун, аввало, ундаги давлат улушини камайтириб, банк хизматлари бозорида рақобатни кучайтириш лозим. Шундагина тижорат банклари барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айланиши мумкин. «Ваҳоланки, мамлакатимиз банк секторида давлат мавқеи устун бўлиб турибди, хусусан, республикамиздаги барча тижорат банкларидан 13 тасининг капиталида давлат иштироқи мавжуд бўлиб, уларнинг капитали банк тизими жами капиталининг 87 фоизидан кўпроғини, активлари эса умумий активларнинг 85 фоизидан кўпроғини ташкил қилади»². Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ҳамда банклараро рақобатни ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан давлат улуши мавжуд 13 та тижорат банкларидан 10 тасини тўлиқ хусусийлаштириш белгиланган. Тижорат банкларини хусусийлаштириш, корпоратив бошқаруви сифатига баҳо бериш, банк прогноз кўрсаткичларини

¹ <https://gmk.center/news/obem-mirovogo-rynka-m-a-v-2021-godu-dostig-rekordnyh-5-7-trln/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 май 2020 йилдаги ПФ-5992-сонли “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

аниқлаш ҳамда стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнларида банклар бозор қийматида баҳоланиши зарур. Тижорат банкларининг бозор қиймати, уни аниқлаш услубиётини такомиллаштириш, номоддий активлари қийматини аниқлаш, уларга таъсир этувчи омиллар таҳлили, тижорат банкларининг бозор қийматида баҳоланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотларни олиб бориш банк тизимини барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 1 июндаги ПҚ-3764-сон «Баҳоланиш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 1/11-15/62-сон “Ўзбекистон Республикаси ягона миллий стандартини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий илмий адабиётларда молия-кредит ташкилотларини баҳоланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган. Тижорат банклари, уларнинг акцияларини бозор қийматида баҳоланиш масалалари А.Дамодаран, Т.Коупленд, Т.Коллер ва Дж.Муррин, Н.Антилл ва К.Ли, П.Роуз, Дж.Синки³ларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларини бозор қийматида баҳоланиш ва уни амалга оширишнинг илмий-услубий асослари, ривожланаётган мамлакатларда қўлланилиши имконияти мавжуд баҳоланиш услубиётлари, корпоратив бошқарувнинг бозор қийматига таъсири масалалари: Н.Бухарин, Е.Озеров, С.Пупенцова, О.Шаброва, В.Есипова, Г.А.Миховика, В.Терехова, О.Мусина, А.Василевский, Г.Головина, А.Филиппова, В.Рутгайзер, И.Лаврушин, И.Мамонова, А.Будицкий, Г.Грязнова, А.Федотова, М.Лимитовский, Е.Лобанова, В.Паламарчук, В.Минасян,

³ Дамодаран А. Инвестиционная оценка. Инструменты и методы оценки любых активов: пер. с англ., 3-е изд. / А. Дамодаран. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. - 1341 с.; Коупленд Т. Стоимость компаний: оценка и управление: Пер. с англ., 3-е изд, перераб. и доп. / Т. Коупленд, Т. Коллер, Дж. Муррин. - М.: Олимп-бизнес, 2005. - 576 с.; Antill, N. and Lee, K. (2005) "Company valuation under IFRS. Interpreting and forecasting accounts using International Financial Reporting Standards", Harriman House Ltd, Norfolk, Great Britain. - 416 p.; Роуз П.С. Банковский менеджмент / П.С. Роуз. - М.: Дело ЛТД, 1995.-321 с.; J.Sinkey "Commercial bank financial management in the financial-services industry" Catallaxy, 1994/-820 p.;

И.Косорукова, С.Секачев, М.Шуклина, Е.Старикова⁴ каби яқин хорижлик олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонлик Т.Қоралиев, Т.Бобакулов, А.Омонов, Ш.Абдуллаева⁵ каби иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг капиталини баҳолаш, банкларнинг барқарорлигини таъминлаш йўллари, О.Ортиқов, И.Қуллиев⁶лар илмий изланишларида банк менежментининг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган.

Иқтисодий адабиётларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, банкларни хусусийлаштиришда уларнинг бозор қийматини аниқлаш, бозор қийматида баҳолаш методологияси, баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш зарурати вужудга келмоқда. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётларда етарлича ўрганилмаганлиги ва кутилаётган илмий натижаларнинг муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунинг тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тижорат банклари бозор қийматини баҳолашнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш;

⁴ Учеб. пособие / Н.А. Бухарин, Е.С. Озеров, С.В. Пуленцова, О.А. Шаброва; Под общей ред. Е.С. Озерова — СПб: ЭМНиТ, 2011. — 238 с.; В.Есипов, Г. Маховикова., В.Терехова. Оценка бизнеса-Учебник:Питер, 2006.-464 с.; Мусина, О. В. Методы и механизмы оценки стоимости коммерческого банка [Электронный ресурс] : автореферат дис.канд. экон. наук : 08.00.10 / О. В. Мусина ; Самар. гос. аэрокосм. ун-т им. С. П. Королева (СГАУ). - Самара, 2008.; М.Ковалев, А. Василевский. Оценка банка. Монография, - Минск : Изд. центр БГУ, 2018.-148 с.; Г.П.Головина. Оценка рыночной стоимости коммерческого банка : диссертация .кандидата экономических наук : 08.00.10 / Головина Галина Петровна; [Место защиты: Сам. гос. эконом. ун-т].- Самара, 2010.- 158 с.: ил. РГБ ОД, 61 11-8/619; Л.А.Филиппов. Оценка бизнеса [Электронный ресурс]: электрон. учебник / Л. А. Филиппов. - Электрон. дан. - М. : Кнорус, 2010.-174 с.; И. Лаврушин, И. Мамонова. Оценка финансовой устойчивости коммерческого банка.-М: Кнорус, 2013.-304 с.; В. Рутгайзер, А. Будицкий. Оценка рыночной стоимости коммерческого банка.- М:Маросейка, 2010.-102 с.; Под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой. Оценка бизнеса. - М: Финансы и статистика, 2009.- 736 с.; М.А. Федотова, М.А. Эскиндаров, Н.А. Атабиева. Оценка стоимости бизнеса. Учебник для бакалавров. -М:Кнокурс, 2020.-320 с.; М. Лимитовский, Е. Лобанова, В. Паламарчук, В. Минасян. Корпоративный финансовый менеджмент. -М: Юрайт.-2012.-250 с.; И. Косорукова, С. Секачев, М. Шуклина. Оценка стоимости ценных бумаг и бизнеса: Учебник. -М: Издательский дом Университета «Синергия».-904 с.; Е.Старикова. Экономическая активность реструктуризации промышленных предприятий. Автореф.дис.канд.экон.наук./Саратов, 2007.-25 с.; А.Самбурский. Совершенствование механизма управления стоимостью промышленного предприятия активов. Автореф.дис.-Екатеринбург, 2010.-27с.; И.В.Косорукова, С.А.Секачев, М.А.Шуклина. Оценка стоимости ценных бумаг и бизнеса. - Учебное пособие. Московская финансово-промышленная академия, 2011.-386 с.

⁵ Т.Каралиев, Т.Бобакулов ва бошқалар. Банк иши.-Т: Iqtisod-moliya. 2016 - 426 б.; А.Омонов. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. Ол.учун дисс. –Тошкент, 2008.; Ш. Абдуллаева. Банк иши. ”.-Т: Iqtisod-moliya. 2010 - 326 б.

⁶ О.Ортиқов, И.Қуллиев. Банк менежменти ва маркетинги. Ўқув қўлланма. - Т: Iqtisod-moliya. 2015 - 157 б.

тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаш усуллари, хусусиятлари ва таркибий компонентларини аниқлаш;

тижорат банклари бозор қийматини баҳолаш борасидаги илғор хориж тажрибасини қиёсий таҳлил этиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

банкларнинг бозор қийматини баҳолашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

тижорат банкларининг амалдаги бозор қийматини аниқлаш;

банкларнинг бозор қийматига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш;

тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари - АТ «Алоқабанк» ва ХАБ «Трастбанк»лар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банклари бозор қийматини баҳолаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида абстракция, мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, эконометрик ва статистик таҳлил, прогнозлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда «банк капиталининг етарлилиги», «депозит базаси», «банк активлари сифати», «банк ишончлилиги»ни ифодаловчи кўрсаткичларга «минимал» ($0,401 \leq 0,500$), «максимал» ($0,501 \leq 0,800$), «оптимал» ($0,801 \leq 1$) чегараларида баҳолаш таклиф этилган;

тижорат банкларининг бозор қийматини ҳар бир ёндашув (даромад, харажат ва қиёсий)га вазн берган ҳолда банкнинг якуний бозор қийматини аниқлаш таклиф этилган;

қиёсий ёндашувнинг тармоқ коэффициенти орқали банк бозор қийматини аниқлашда аналог банклар сифатида жами устав капитали миқдоридан 35 фоизгача фарқланадиган банкларни танлаб олиш таклиф этилган;

банкларни хусусийлаштиришда тармоқ мультипликатор кўрсаткичлари «фойда мультипликатори» (банкнинг бозор қиймати/фойда (P/E)); «битта акцияга тўғри келувчи пул оқими мультипликатори» (акция нархи/акцияга тўғри келувчи пул оқими (P/CF)); «капитал мультипликатори» (бозор қиймати/баланс қиймати (P/BV)) кўрсаткичларини тижорат банкларининг чораклик ва йиллик ҳисоботларида эълон қилиш таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

банклар молиявий барқарорлигини баҳолашнинг янги мезонлари орқали банкларнинг молиявий барқарорлик даражаси тез ва осон аниқланди, амалиётда қўлланилиши натижасида тижорат банклари гуруҳларга ажратилган ҳолда банк

тизимининг молиявий барқарорлигига баҳо бериш амалиёти такомиллаштирилган;

банк тизимида давлат дастурларини амалга ошириш вазифаси юклатилган банкларга тариф ишлаб чиқилиб, уларнинг устав капиталига қўйилган талаблар оширилиши натижасида банкнинг капитал базаси мустаҳкамланган. Натижада, уларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва актив операциялари, хусусан, кредитлаш операциялари кўламини кенгайтириш таклиф этилган;

тижорат банклари якуний қийматини аниқлаш орқали банк бошқаруви самарадорлиги ва банк қийматининг ўзгариши, унга таъсир қилган омилларни аниқлаган ҳолда доимий банклар бозор қийматини ошириб бориш асосланган;

қиёсий ёндашувнинг тармоқ коэффиценти усули орқали банк бозор қийматини аниқлашда Ўзбекистон амалиётига хос бозор қийматини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган;

тижорат банклари бозор қийматининг ўзгариши ва банклар даромадлиги бўйича инвесторларга маълумотлар бериш услубиётининг ишлаб чиқилиши банкларнинг бозор қийматида баҳолашни бозор инструментларидан фойдаланиш, банк акциялари ва капиталлашув даражасининг ўзгариш тенденциялари бўйича маълумотлар шаффофлиги таъминланиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва «Тошкент» фонд биржасининг статистика маълумотлари ҳамда АТ «Алоқабанк» ва ХАБ «Трастбанк»нинг чорак ҳамда йиллик ҳисобот маълумотлари, шу билан, бирга тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқлангани ҳамда амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банкларини хусусийлаштириш, банклараро рақобатни кучайтириш, корпоратив бошқаруви сифатини баҳолаш, мулкдорлар синфини шакллантириш, инвестицион фаолият ҳамда банкларнинг бозор қийматини баҳолаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат активларини бошқариш агентлиги тижорат банкларини хусусийлаштиришнинг 2025 йилга мўлжалланган стратегияси ва бошқа давлат бошқаруви органларининг корпоратив бошқарувни баҳолаш дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган: «Банк иши», «Баҳолаш иши», «Инвестиция», «Лойиҳаларни молиялаштириш», «Корпоратив бошқарув» фанларининг ишчи-ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларга таълим бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларини бозор қийматида баҳолаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда «банк капиталининг етарлилиги», «депозит базаси», «банк активлари сифати», «банк ишончилиги»ни ифодаловчи кўрсаткичларга «минимал» ($0,401 \leq 0,500$), «максимал» ($0,501 \leq 0,800$), «оптимал» ($0,801 \leq 1$) чегараларида баҳолаш тизими МЧЖ «Ahbor-Reyting» амалиётига 1-сон қарори асосида жорий қилинган (МЧЖ «Ahbor-Reyting» агентлигининг 2022 йил 12 январдаги 7-сон маълумотномаси). Натижада, фаолият юритаётган 33 та тижорат банклари молиявий барқарорлиги бўйича гуруҳларга ажратилган ва банк тизимида баҳо берилган;

тижорат банкларининг бозор қийматини ҳар бир ёндашув (даромад, харажат ва қиёсий)ларга вазн берган ҳолда банкнинг якуний бозор қийматини аниқлаш таклифи асосида АТ «Алоқабанк» Банк бошқаруви самарадорлигига баҳо берилган ва банкнинг 10/12-сон «Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш» ички низомида ўз аксини топган (АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил 6 январдаги 19-09/27-сон маълумотномаси). Натижада, АТ «Алоқабанк»да корпоратив бошқарув самарадорлиги даражаси аниқланган;

қиёсий ёндашувнинг тармоқ коэффициенти орқали банк бозор қийматини аниқлашда аналог банклар сифатида жами устав капитали миқдоридан 35 фоизгача фарқланадиган банкларни танлаб олиш таклифи асосида АЖ Пойтахт банкнинг бозор қиймати аниқланган ва банкнинг 2-сон «Банкни хусусийлаштиришга тайёрлаш» меъёрий ҳужжатида акс эттирилган (АЖ «Пойтахт банк»нинг 2022 йил 12 январдаги К15-12/30-сонли маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида АЖ «Пойтахт банк» билан Россия хусусий «Экспобанк»и ўртасида меморандум имзоланган;

банкларни хусусийлаштиришда тармоқ мультипликатор кўрсаткичлари «фойда мультипликатори» (банкнинг бозор қиймати/фойда (P/E)); «битта акцияга тўғри келувчи пул оқими мультипликатори» (акция нархи/акцияга тўғри келувчи пул оқими (P/CF)); «капитал мультипликатори» (бозор қиймати/баланс қиймати (P/BV)) кўрсаткичларини тижорат банкларининг чораклик ва йиллик ҳисоботларида эълон қилиш таклифи Банк Кенгашининг 2021 йил 2 декабрдаги 56-2/21-сонли қарори асосида тасдиқланган ва АТ «Алоқабанк» 2022 йилга мўлжалланган бизнес режасига киритилган (АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил 6 январдаги 19-09/27-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида, АТ «Алоқабанк» акциялари қиймати бошланғич нархига нисбатан 2 баравар ўсган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 10 та, жумладан, 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола,

индексацияланган журналларида 1 та ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 1 та мақола ҳалқаро илмий журналда ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 10 та мақола ва тезислар чоп этилган.


Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тижорат банклари бозор қийматини баҳолашнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси”** деб номланган биринчи бобда тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаш ва унинг назарий асослари ҳамда қийматнинг иқтисодий моҳияти, тижорат банкларини бозор қийматида баҳолашнинг объектив зарурати ўрганилган. Шунингдек, тижорат банкларини баҳолашдаги илмий-назарий қарашлар, бозор қийматида баҳолашда қўлланиладиган ёндашувлар ва уларнинг усуллари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда банкларнинг бозор қийматини аниқлашда хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш йўллари назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Бугунги кунда тижорат банкларини хусусийлаштириш ва улар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чоралар асосий ўринни эгалламоқда. Бундай масалаларни ҳал қилишда тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаши алоҳида ўрин тутди. Бозор қиймати - битим иштирокчи субъектлари манфаатларига мос келувчи, бозордаги конъюнктуравий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, аниқ вақт ва маконда бизнес ёки активларга эгаллик қилиш ҳуқуқини бериш жараёнида шаклланган қийматдир. Тижорат банклари баҳолаш мураккаб ва қийин бўлган объектлардан бўлиб, унинг капитали ва барча мол-мулкларини баҳолашда бир нечта ёндашув ва усуллардан фойдаланилади. Замонавий баҳолаш ишида бизнес бир қанча усул ва ёндашувлар асосида баҳолашиб, уларни, шартли равишда, уч йирик гуруҳ, яъни ёндашувларга бўлиш мумкин: даромад, харажат ва бозор (баъзи адабиётларда қиёсий) (1-расм).



1-расм. Тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолашда қўлланувчи усуллар⁷

Тижорат банкларининг бозор қийматини даромад ёндашувида аниқлашда тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули ёки пул оқимларини дисконтлаш усули қўлланилади. *Тўғридан-тўғри капиталлаштириш* усулини қўллашнинг асосий шarti банкнинг даромадлари ёки пул оқимлари барқарорлиги ҳамда уларнинг ўсиш суръатларини кузатиш ва прогнозлаш ҳисобланади. Капиталлаштириш усули орқали тижорат банкининг бозор қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V=Y/R \quad (1)$$

бунда:

V - банк қиймати;

Y - банкнинг соф фойдаси (банкнинг соф фойдаси ёки пул оқими);

R - капиталлаштириш коэффиценти.

Пул оқимларини дисконтлаш усули (DCF) прогноз даври ва келажакда даромадларнинг непропорционал ўзгаришларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Ушбу усул келажакда олинadиган даромадларнинг жорий қийматини, бозор конъюнктураси, риск ва вақт омилларини ҳисобга олган ҳолда баҳолайди. Шунинг учун бу усулдан Ғарб мамлакатларида кенг фойдаланилади. Ушбу усулда бозор қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V = \sum_{t=1}^n \frac{CFt}{(1+r_t)^t} + \text{узайтирилган қиймат} \quad (2)$$

бунда:

r - дисконтлаш ставкаси;

CFt - t муддатдаги пул оқими.

Формуланинг иккинчи қўшилувчиси бўлган узайтирилган қиймат (Terminal value) бу прогнозлаштирилган муддатдан кейинги вақтларда кутилаётган ташкилотнинг пул оқимлари қийматини ифодалайди. Узайтирилган қиймат қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Узайтирилган қиймат (TV)} = \frac{FCF_{t+1}}{WACC-g} \quad (3)$$

бунда:

⁷ Муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилган.

FCTt - прогноз муддат тугагандан кейинги биринчи йилдаги эркин пул оқими;

WACC - капиталга ҳисобланган ўртача харажатлар;

g - муддатсиз истикболларда кутилаётган ўртача эркин пул оқимининг ўсиш сурьатлари.

WACC кўрсаткичини ҳисоблаш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$WACC = WgRg + (1 - T) + WaRa \quad (4)$$

бунда:

Wg - қарз маблағларининг жами пасивларга нисбати;

Rg - қарз маблағлари қиймати;

T - солиқ ставкаси;

Wa - ўз маблағларининг жами пасивларга нисбати;

Ra - ўз маблағлари қиймати.

Ўз маблағлари қийматини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Ra = Rf + \beta * ERP + country\ premium \quad (5)$$

бунда:

Rf - рискдан холи ставка;

В - бета коэффициент (А.Дамодараннинг ривожланаётган капитал бозорлари бўйича тармоқ коэффициентларидан фойдаланамиз);

ERP - риск бўйича устама (Duff & Phelps инвестицион-банк фаолиятидаги йирик консальтинг компанияси кўрсаткичларидан фойдаланамиз);

Country premium - мамлакат rischi.

Баҳоланаётган банкнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда Хамада формуласи орқали бета коэффициентига тўғрилаш киритамиз. Формула қуйидаги ифодаланади:

$$\beta_h = \beta [1 + (1 - T) * D/E] \quad (6)$$

бунда:

β_h - Хамада бета коэффициенти;

D - қарз маблағлари;

E - ўз маблағлари.

Дисконтлаш ставкасини аниқлашда рискдан холи ставка сифатида давлатнинг узоқ муддатли қимматли қоғозлари бўйича фоиз ставкасини оламиз.

Тижорат банклари бозор қийматини баҳолашнинг харажат ёндашуви.

Бунда баҳоловчи баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатлар асосида баҳолашни амалга оширади. Ушбу ёндашувда қуйидаги усуллар қўлланилади:

соф активлар усули — банк қиймати банк барча активларининг бозор қийматлари ва унинг мажбуриятлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\text{Тижорат банкининг бозор қиймати} = \text{Тижорат банкининг активлари бозор қиймати} - \text{Тижорат банкининг мажбуриятлари бозор қиймати} + \text{Гудвилл} \quad (7)$$

тугатиш қиймати усули — банк қиймати банк тугатилганда унинг мулкдори олиши мумкин бўлган мулкнинг қиймати ва тугатиш харажатлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади

Тадқиқот қилинаётган тижорат банклари фаолият юритаётган ва яқин орада тугатилиши назарда тутилмаганлиги учун соф активлар усулида баҳолаймиз.

Қиёсий ёки бозор ёндашуви асосида тижорат банклари бозор қийматини аниқлаш.

Қиёсий ёки бозор ёндашуви асосида баҳолаш объекти бошқа худди шундай аналог тижорат банкни битим ва нархлари бўйича маълумотлари ошкор этилганда таққослаш орқали баҳолашни ифодалаб, у бир нечта усуллардан иборат. Бозор ёндашуви тармоқ коэффиценти, капитал бозори (аналог компания) ва битимлар усулларини ўз ичига олади.

Тармоқ коэффиценти усулида нарх таҳлилчилар ёки махсус институтлар (биржа, инвестицион банклар ва бошқалар) томонидан узоқ муддатли кузатувлар натижасида аниқланган молиявий кўрсаткичлар нисбати орқали аниқланади. Натижада, банкнинг нархи баҳоланаётган банкнинг молиявий кўрсаткичининг тегишли тармоқ коэффиценти орқали баҳоланади.

Кўпинча ташкилотларнинг бозор қийматини аниқлашда қуйидаги тармоқ мультипликаторларидан фойдаланилади: нарх ва сотиш нисбати мультипликатори (акция нархи/тушум (P/S)); фойда мультипликатори (компаниянинг бозор қиймати/фойда (P/E)); акцияга тўғри келувчи пул оқими мультипликатори (акция нархи/акцияга тўғри келувчи пул оқими (P/CF)); капитал мультипликатори (бозор қиймати/баланс қиймати (P/BV)). Қиёсий ёндашувнинг умумий кўриниши қуйидаги математик модел билан ифодаланади:

$$Value = \left[\frac{Value^{etalon}}{Factor^{etalon}} \right] \times Factor = \left[\frac{Factor}{Factor^{etalon}} \right] \times Value^{etalon} \quad (8)$$

бунда:

$Value^{etalon}$ - аналог банкнинг қиймати;

$Factor^{etalon}$ - аналог банкнинг танланган омили қиймати;

$Factor$ - баҳоланаётган банкнинг танланган омил қиймати.


$\frac{Value^{etalon}}{Factor^{etalon}}$ - нарх мультипликатори ҳисобланади.

Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларида фонд бозорининг ривож-ланмаганлиги ҳамда банкларни сотиш ёки қўшилиши бўйича маълумотларнинг ошкор этилмаслиги сабабли, биз бошқа ҳисоблаш усулини таклиф қиламиз. Биз аввало, устав капитали 35%гача фарқ қиладиган аналог банкларни танлаймиз ва уларнинг мультипликаторини ҳисоблаймиз. Олинган натижаларнинг ўртачасини топиб, баҳоланаётган банкларимизни кўрсаткичларига кўпайтирамиз. Банкларни баҳолашда кенг қўлланиладиган капитал ва фойда мультипликаторлари асосида банкларимизни баҳолаймиз.

Битимлар усули. Ушбу усул аналог-банкни аниқ акциялар пакетининг олди-сотди таҳлилига асосланган усулдир. Ушбу усулнинг бозор ёндашувидаги бошқа усуллардан фарқи - баҳолаш натижасида битта акция ёки миноритар акциялар пакети эмас, балки бутун банк қиймати аниқланади.

Беларусь амалиётида юқоридаги усуллардан ташқари, индекс ва активларнинг баланс жамғармаси усулларида ҳам фойдаланилади. Индекс усули бу - баҳолаш объектининг қийматини баҳолаш учун базавий ўрнатилган индекслар ёки коэффициентлар асосида бозор қийматини аниқлашдир. Активларнинг баланс жамғармаси усули бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида баҳолаш муддатида тижорат банкининг қийматини аниқлашдир. Ушбу усулда банкнинг қиймати балансидаги актив ва пасивларнинг бухгалтерия ҳисоби (одатда, ҳар ойнинг бошида баҳоланади) маълумотлари асосида баҳоланади. Юқорида қайд этилган ёндашувлардан нафақат банкни хусусийлаштириш, корпоратив бошқаруви самарадорлигига баҳо бериш, балки тижорат банкларининг қўшилиши, сотиб олиниши ва бошқа жараёнларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Иқтисодийта амалга оширилаётган қатор ислохотлар натижасида 80-йиллар ўрталаридан 90-йиллар охиригача дунёда 126,3 мингдан ортиқ ташкилотларнинг қўшилиши амалга оширилган бўлса, шундан деярли ярми банк секторига тўғри келади. Биргина Европа Иттифоқида 1985 йилдан 2016 йилга қадар кредит ташкилотларининг сони 12670 тадан 5076 тага камайиб, катта миқдордаги битимлар асосида кўплаб кредит ташкилотларининг қўшилиши ва сотиб олиниши (инглиз тилида *mergers and acquisitions, M&A*) амалга оширилган. Бунинг асосий сабабларидан бири кредит ташкилотларининг акциядорлик капиталини ошириш, банкларнинг консолидацияси ва рақобатбардошлигини оширишдир⁸. 2007 йилда Европа банк тизимида бир нечта тижорат банкларининг M&A амалга оширилди (Bloomberg маълумотларига кўра, битимларнинг умумий суммаси 300 млрд. АҚШ долларига тенг). 2008-2009 йилларда битимлар сони қисқариб, 2015 йилга келибгина M&A битимлар сони молиявий инқироздан олдинги кўрсаткичга етган (4,4 трлн АҚШ долларини ташкил этди). Қуйидаги расм маълумотлари асосида M&A битимлар суммаси динамикасини кўриб чиқсак.



2-расм. M&A жаҳон бозорида битимлар суммаси динамикаси⁹

⁸ Головина, Г. П. Применение опционной модели Блэка-Шоулза для оценки стоимости коммерческого банка. // Математические и инструментальные методы экономики. — 2010. — № 7 (68). — С. 239–242.

⁹ <https://www.statista.com/statistics/267369/volume-of-mergers-and-acquisitions-worldwide/>

Расм маълумотларига кўра, 1985 йилдан 1999 йилгача М&А битимлар суммаси ўсиб бориб, кейин камайган. Энг максимал битимлар суммаси 2007 йилда қайд этилган бўлиб, молиявий инқироздан кейин битимлар қийматининг максимал суммаси 2015 йилда қайд этилиб, 4,4 трлн.АҚШ долларини ва битимлар сони 109615 минг донани ташкил этган. 2018 йилда битим суммаси 4,11 трлн., 2019 йилда 4,09 трлн., 2020 йилда 5 пунктга қисқариб, 3,6 трлн. АҚШ долларини ташкил этган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари бозор қийматини баҳолашнинг амалдаги ҳолати” деб номланувчи иккинчи бобида банк тизими ва баҳолаш фаолиятига оид қонунчилик ва улардаги камчиликлар ўрганилиб, тадқиқот объекти бўлган банкларнинг бозор қиймати аниқланиб, 2021 йил учун прогноз кўрсаткичлари келтирилган. Бундан ташқари, тижорат банклари бозор қийматига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Ҳар бир ёндашув асосида ҳисобланган АТ «Алоқабанк» ва ХАБ «Трастбанк»ларининг бозор қиймати билан танишиб чиқсак.

1-жадвал

АТ «Алоқабанк»нинг даромадлар ёндашуви бўйича қиймати¹⁰

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021 прог	2022 прог
Бозор қиймати, минг сўм (капиталлаштириш усули)	406 798 878	550 305 759	640 965 964	575 387 478
Бозор қиймати, минг сўм (Пул оқимларини дисконтлаштириш усули бўйича)	1 916 845 065	2 169 002 274	2 450 218 439	2 746 220 225
Ўртача бозор қиймати, сўм	1 161 821 971 468	1 359 654 016 715	1 545 592 201 596	1 660 803 851 372
Алмашинув курси (ҳар бир йил охирига)	9 507,56	10 476,92	11 446,28	12 415,64
АҚШ доллариди бозор қиймати	122 199 804	129 776 119	135 030 089	133 767 075

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг бозор қиймати капиталлаштириш усулида пул оқимларини дисконтлаш усулидан бир неча баравар паст, чунки банк 60-70% жалб қилинган маблағлар ҳисобидан айланма маблағларини ташкил этади. АТ «Алоқабанк»нинг бозор қиймати АҚШ доллари курсининг ўсишига қарамай, ўсиш тенденцияларини сақлаб қолиши прогноз қилинмоқда.

2-жадвал

ХАБ «Трастбанк»нинг даромад ёндашуви бўйича бозор қиймати¹¹

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021 прог	2022 прог
Бозор қиймати, минг сўмда (капиталлаштириш усули)	519 150 110	798 197 132	1 048 005 395	1 071 448 010
Бозор қиймати, минг сўмда (Пул оқимларини)	3 693 348 525	4 484 105 476	5 300 933 455	5 916 428 945

¹⁰ Муаллиф томонидан АТ «Алоқабанк» чораклик ва йиллик ҳисоботлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

¹¹ Муаллиф томонидан ХАБ «Трастбанк» чораклик ва йиллик ҳисоботлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

дисконтлаштириш усули бўйича)				
Ўртача бозор қиймати, минг сўмда	2 106 249 318	2 641 151 304	3 174 469 425	3 493 938 477
Алмашинув курси (ҳар бир йил охирига)	9 507,56	10 476,92	11 446,28	12 415,64
АҚШ долларида бозор қиймати, долларда	221 534 160	252 092 342	277 336 342	281 414 287

ХАБ «Трастбанк»нинг соф фойдасидан айланма маблағлари бир неча баравар юқорилиги унинг пул оқимларини дисконтлаш усулида қийматини ошириб юборган. АҚШ долларининг алмашинув курси йиллик ўртача ўсиш тенденцияларини сақлаб қолади деган фараз билан прогнозлаштирилган курснинг ўсишига қарамай, банкнинг бозор қиймати ўсиши ҳам прогноз қилинмоқда.

Ўрганилаётган банкларни харажатлар ёндашуви орқали баҳолаймиз, бунда узоқроқ муддатни прогноз муддат сифатида олиш имконияти мавжуд эмас. Чунки ушбу ёндашув банкни ҳозирги кундаги ҳолати бўйича баҳолаш имкониятини беради.

3-жадвал

Банкларнинг харажат ёндашувида кўра бозор қиймати¹²

Кўрсаткичлар	ХАБ «Трастбанк»				
	2017	2018	2019	2020	2021 прог
Соф активлар усулида бозор қиймати, минг сўм	219 944 051	317 767 477	485 421 422	821 410 913	1 223 573 278
Ортиқча фойда усулида бозор қиймати, минг сўм	265 240 280	441 883 009	786 935 051	1 369 826 304	1 371 430 745
Ўртача бозор қиймати, сўмда	242 592 165 737	379 825 242 974	636 178 236 534	1 095 618 608 612	1 297 502 011 116
АҚШ доллари алмашинув курси	8 120	8 340	9 508	10 477	11 446
Бозор қиймати АҚШ долларида	29 875 625	45 545 053	66 912 882	104 574 494	113 355 781
АТ «Алоқабанк»					
Соф активлар усулида бозор қиймати, минг сўм	398 384 119	1 162 448 779	1 396 370 695	1 568 529 812	1 819 494 582

¹² Муаллиф томонидан АТ «Алоқабанк» ва ХАБ «Трастбанк»ларни чораклик ва йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

Ортикча фойда усулида бозор қиймати, минг сўм	496 104 437,64	1 232 071 737,39	1 547 122 330,11	1 601 376 577,98	1 669 256 614,96
Ўртача бозор қиймати, сўмда	447 244 278 321	1 197 260 258 196	1 471 746 512 555	1 584 953 194 992	1 744 375 598 442
АҚШ доллари алмашинув курси	8120,07	8339,55	9507,56	10476,92	11446,28
Бозор қиймати АҚШ долларида	55 078 869	143 564 132	154 797 499	151 280 452	152 396 726

Жадвал маълумотларидан, харажат ёндашувига кўра, бозор қийматини АҚШ долларида ва сўмда ўртача қанча бўлишини кўришимиз мумкин. Устав капиталига нисбатан бозор қиймати ҳисобланганлиги сабабли даромад ёндашувидан бир неча баравар паст қийматда баҳоланди. Халқаро амалиётда ривожланаётган банкларнинг бозор қийматини баҳолашда кўпроқ шу ёндашувдан фойдаланилиб, баланс қийматидан пастроқ қийматда инвесторлар сотиб олиши мумкинлигини билдиради. Шу сабабли бозор қийматини аниқлашда камида иккита ёндашув қийматлари асосида баҳолаш амалга оширилиши лозим.

Тижорат банкларининг бозор қийматини қиёсий ёки бозор усулида баҳолашда кенг қўлланиладиган капитал ва фойда мультипликаторларидан фойдаланамиз. АТ «Алоқабанк»нинг аналоглари: АТБ «Қишлоққурилишбанк», АТБ «Hamkorbank», АТБ «Туронбанк», ХАБ «Трастбанк»нинг аналог банклари сифатида АТБ «Капиталбанк», АЖ «КДБ Банк Ўзбекистон» олинган. Танланган банкларнинг молиявий фаолияти барқарор ва капитал базаси ўсиш тенденциясига эга. Аналог банкларнинг акцияларига оид маълумотларни Тошкент фонд биржаси бўйича жамлаб, бозор мультипликатор кўрсаткичларининг ўртача қийматини ҳисоблаймиз. Олинган натижалар асосида ўрганилаётган банкларни баҳолаймиз.

4-жадвал

АТ «Алоқабанк» ва ХАБ «Трастбанк»ларининг бозор ёндашувига кўра бозор қиймати¹³

Кўрсаткичлар	АТ «Алоқабанк»				
	2017	2018	2019	2020	2021 прог
Капитал мультипликатори бўйича бозор қиймати, минг сўм	611 519 623	1 681 964 425	1 356 164 157	1 570 039 411	1 451 046 929
Фойда мультипликатори бўйича бозор қиймати, минг сўм	1 187 889 494	2 227 574 067	1 103 111 691	1 242 967 840	714 200 773
Ўртача бозор қиймати, минг сўм	899 704 559	1 954 769 246	1 229 637 924	1 406 503 626	1 082 623 851

